

**ПЕДАГОГИК ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ
НОМАТЕМАТИК ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИГА ОЛИЙ
МАТЕМАТИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШДАГИ МУАММОЛАР.**

*Пардаева Замира Ўктамовна
ЖДПУ катта ўқитувчиси*

Аннотация. Педагогик олий таълим муассасаларининг номатематик таълим йўналиши талабалари учун математика фани бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Мақолада ушбу муаммолар ва уларни ҳал этиш масалаларига илмий ёндошувлар ўрганилган.

Калит сўзлар: математик таълим, таълим муаммолари, ўқитишдаги қийинчиликлар, математик билимлар.

Математик таълим инсоният маданиятининг бир қисмидир. Ҳозирги замонда эркин, мустақил интеллектуал фаолият олиб бориш учун зарур билимларга эга бўлиш лозим. Математик билимлар абстракт тафаккурни шакллантириш ва такомиллаштириш базасининг ажралмас қисмидир. Бундан ташқари, математика бошқа фанларни ўзлаштиришга тайёргарликни таъминловчи мустақил таълим имкониятларини ривожлантиришга ёрдам берувчи омилдир.

Жамиятнинг юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга қўядиган замонавий ижтимоий талаблари олий таълим муассасалари олдида ҳар томонлама ривожланган, янги фаолият шароитларига мослаша оладиган, касбий фаолиятни давом эттиришда юзага келадиган муаммоларга ўз вақтида ва тўғри ечим топа оладиган шахсни, яъни абстракт фикрлаш қобилиятига эга бўлган кадрларни тайёрлаш вазифасини қўяди.

Қатор тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатдики, педагогик олий таълим муассасаларининг номатематик таълим йўналиши талабалари учун математика фани бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради ва натижада ўрганиш мотивациясини пасайтиради. Талабалар орасида юзага келадиган қуйидаги асосий қийинчиликларни белгилаш мумкин: номатематик таълим йўналишларининг биринчи курсга қабул қилинган талабалари математика

фанини ўрганишга ва ўзлаштиришга етарлича кўникмага эга эмас; ҳисоб-китобларнинг мураккаблиги ва кўп меҳнат талаб қилиши; ечим ва олинган жавобни талқин қилиш; кўпгина талабалар томонидан математикани ўрганиш бўлажак касбий фаолияти учун фойдасиз деб ҳисобланиши. Вужудга келган қийинчиликларнинг натижаси - талабалар томонидан дарс давомида ечиладиган кам сонли топшириқлар ва уларнинг ечимига уларнинг қизиқишининг пасайиши.

Келтирилган қийинчиликлар номатематик таълим йўналишлари талабаларига математика ўқитишга янгича ёндошувларни қидиришни назарда тутди.

Сўнги йилларда номатематик таълим йўналишлари талабалари учун математика курсини қуришда бир нечта ёндашувлар пайдо бўлди. Қуйидаги учта асосий ёндашувни белгилаш мумкин:

- муҳандислик ва техник мутахассисликлар учун белгиланган математика бўйича дастурларни номатематик таълим йўналишлари талабалари учун мослаштириш (асосан, ўқув жараёнининг хусусиятларини ҳисобга олмасдан дарс ҳажмини қисқартириш);

- дарс мазмунини илмий-оммабоп матнлар билан алмаштириш;

- математиканинг бир нечта бўлимларини ягона методик тамойил асосида ва номатематик таълим йўналишлари талабаларига йўналтирилган ҳолда ўқитиш.

Охириги ёндошув самаралироқ ва истиқболли, чунки айнан шу ёндошувда математик бўлмаган таълим йўналишларида математика ўқитиш хусусиятларини ҳисобга олиш имкони кўпроқ.

Тадқиқотчилар: Бордаченко С.И., Васекин С.В., Воронов М.В., Мещерякова Г.П., Дмитриева М.Н ва бошқалар таъкидлаганидек, санаб ўтилган муаммолар, асосан, материални норасмий идрок этиш, сабаб-натижа муносабатларини таҳлил қилишда қийинчиликлар пайдо бўлишида ифодаланган номатематик талабаларнинг индивидуал - психологик хусусиятларига боғлиқ.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бордаченко С.И. Профессиональная подготовка студентов нематематического вуза в области математики. Дис. канд. пед. наук. Сходня, 2003.
2. Васекин С.В. Технологические процедуры оптимизации при проектировании учебного процесса по математике. Дис. канд. пед. наук. М., 2000.
3. Воронов М.В., Мещерякова Г.П. Математика для студентов нематематических факультетов / Серия «Учебники, учебные пособия» Ростов н/Д: Феникс, 2002.
4. Захожая Т.М. Самостоятельная работа студентов в условиях организации учебного процесса в системе кредитно – зачетных единиц// успехи современного естествознания. – 2008. - №7 – С. 112 – 113.
5. Эрназарова Н.Х. Формирование познавательного интереса к математическому образованию студентов нематематических факультетов// Научный вестник СамГУ №2- 2020
6. Пардаева З.Ў. Проблемы систематизации математических знаний студентов нематематического профиля. Республика илмий – амалий конференция материаллари тўплами. Навоий ДПИ 2018 й. 23 – ноябрь